

Бақара сураси, 208-оят

23:55 / 15.02.2018 4086

Эй иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича кириш ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизга очик-ойдин душмандир. Бақара 208.

Маълумки, «Ислом» сўзи «Аллоҳга бўйсунуш» маъносини билдиради. Бу ҳолатда оятнинг умумий маъноси «Аллоҳга бутун борлигингиз ила бўйсунинг», дегани бўлади. Яъни Аллоҳга бўйсунуш тўлиғича бўлсин. Тили билан бўйсуниб, дили билан бўйсунмасдан ёки бадани билан бўйсунмасдан қолиш керак эмас. Хулласи калом, бўйсунуш тўлиғича, ҳамма томондан бўлиши керак.

«Ислом» сўзининг маъноларидан яна бири – «тинчлик»дир. У ҳолда оятнинг умумий маъноси «Тинчликка тўлиғича кириш», дегани бўлади. Тинчликка тўлиғича кириш эса Исломни татбиқ қилиш билан амалга ошади. Исломда тинчлик инсон қалбининг тинчлигидан бошланади. Фақат банда ва Парвардигор, борлиқ ва охират ҳақидаги Ислом ақийдаларигина ҳар бир инсон қалбига тинчликни солиши мумкин. Сўнгра қалбдаги бу тинчлик оилага кўчади. Ислом оила тинчлиги учун зарур бўлган барча чораларни ишга солади. Оилалардаги тинчлик қўни-қўшни, қариндош-уруғлар орасига кўчади. Исломда қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар билан тинч яшашнинг йўл-йўриқлари батафсил кўрсатиб қўйилган. Сўнгра бу тинчлик жамиятга ўтади. Исломда ҳар бир жамият ўзаро тинчликда яшаш учун нималар қилиши лозимлиги ҳам белгилаб қўйилган. Давлат миқёсида тинч яшашга эса қалб тинч, оила тинч, қўни-қўшни, қариндош-уруғ тинч, жамият тинч бўлганда эришилади. Исломда давлат билан фуқаролар орасидаги тинч-тотувлик асослари ҳам, давлатлараро тинч-тотувлик йўл-йўриқлари ҳам мукамал йўлга қўйилган. Охири келиб, Ислом кўзлаган тинчликда бутун дунё тинчлигига эришилади. Унда барча қалблар тинч, оилалар тинч, қўни-қўшнилар тинч, қариндош-уруғлар тинч, жамиятлар тинч, давлатлар тинч, ҳайвонот, наботот ва бутун борлиқ тинч бўлади, иншааллоҳ.

«Ислом»нинг машҳур маъноларидан бири Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилган диндир. Бу ҳолатда оятнинг умумий маъноси «Ислом динига тўлиғича кириш» бўлади. Ислом инсоннинг ҳаётини тўлиғича қамраб

олган диндир. Инсоннинг онадан туғилиб, қабрга киргунгача бўлган даврдаги ҳар бир нафаси ва ҳаракати Ислоннинг ихотаси доирасидадир. Ислонга тўлиғича кириш оралиқ даврда, яъни бутун ҳаёт давомида бутунлигича мусулмонча яшаш, демакдир. Инсоннинг туғилишидан тортиб, то озуқаланиши, тарбияланиши, вояга етиши мусулмонча бўлиши керак. Балоғат ёшига етганда, дин таклиф қилган барча нарсаларга тўлиқ амал қилиши лозим. Инсон ўзининг шахсий, оилавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва яна ҳаётининг бошқа соҳаларида Ислонга амал қилгандагина, Ислон буюрган ҳамма нарсага юриб, у қайтарган ҳамма нарсадан қайтгандагина унга тўлиқ кирган бўлади. Шундагина бахт-саодатга эришади. Бугун халқимиз орасида кўпларимиз нима қиляпмиз? Номларимизга, насл-насабимизга қаралса, ҳамма мусулмон. Кимлиги суриштирилса, «Мен мусулмонман», дейди-ю, аммо ўзи ғайри муслимларнинг ишини қилиб юради. Яна: «Нимага мусулмон бўлсак ҳам, ишимиз юришмаяпти?» – дея нолийди. Динга, Аллоҳга тухмат қилади. Кўраётган кўргиликлари ўзи мусулмон бўла туриб, Ислонда яшамаётганининг оқибати эканини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳолбуки, айб ўзида. Бошига тушган омадсизликларни Ислондан кўришга ҳеч бир мусулмоннинг ҳаққи йўқ. Ислон бир-бирини тўлдириб келувчи турли таълимотлар ва амалларнинг мажмуасидир. Намоз ўқиб туриб, закотни инкор қилса бўлмайди. Ақийдани мусулмонча қилиб туриб, оилада христианча яшаса бўлмайди. Ҳамма-ҳаммаси мусулмонча бўлиши керак.

Оятнинг охири Ислондан бошқа йўлга юриш шайтоннинг изидан эргашишдан бошқа нарса эмаслигини ва у очиқ душман эканини таъкидлаяпти:

«...ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизга очиқ-ойдин душмандир».

Демак, Ислонга тўлалигича кирилмаганда, шайтоннинг изидан эргашилган бўлар экан.